

---

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ВА ҚАРИЯЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНМОҚДА

Туманидаги 55 та маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган 5 талик ходимлар, маҳалладаги тадбиркорлар, саховатпеша фуқаролар билан ҳамкорликда қишнинг айти совуқ кунларида бир жойда ётиб қолган нурунийлар, якка-ёлғизлар, фронт ортимеҳнатчилари, 2-Жаҳон уруши қатнашчиси хонадонига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олишди.

Шундай тадбирлар Янгиқўрғон, Бувайда, Элобод, Инғирчоқ, Маслаҳат, Араб, Ҳасанқўрғонча, Қорақум, Юқори манғит, Шўрқишлоқ, Додхо, Озод ва бошқа маҳалла фуқаролар йиғинларида намунали ташкил этилди.

Миллий қадриятларимиздан ҳисобланган қийин кунларда муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, савоб ҳамда эзгуишларни амалга ошириш давом этмоқда.

2023-01-25 14:43:32